



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 20 апрель, № 76 (4991)

Сешанба

ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг таклифига биноан 19 апрель куни расмий ташир билан Москвага жўнаб кетди.

Ислам Каримов ва Дмитрий Медведев Ўзбекистон — Россия муносабатларини янада ривожлантириш масалалари, шунингдек, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Музокаралар якунида икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

(ЎзА).

ИСЛОМ КАРИМОВ МОСКВАГА КЕЛДИ

Москва, 19 апрель. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг таклифига биноан 19 апрель куни расмий ташир билан Москвага келди.

Таширнинг асосий воқеалари 20 апрелга мўлжалланган. Ислам Каримов ва Дмитрий Медведев Ўзбекистон — Россия муносабатларини янада ривожлантириш масалалари, шунингдек, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашадилар. Икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланади.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БАНК ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИДАН ФЙДАЛАНГАН ХОЛДА ХИСОБ-КИТОБ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАҚБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Пул муомаласи тизимини такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш рақабатлантириш ва банкдан ташқари нақд пул айланмасини қўсқартириш, аҳолининг банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириши учун қулай шарт-шароит яратиш ҳамда илгор банк технологияларини жорий этиш асосида хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида:

1. Республикада пластик карточкаларни ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ҳимоя қилишнинг самарали механизми яратилгани маълумот учун қабул қилинсин. Ушбу механизмга биноан:

ҳар бир пластик карточка эгаси карточка ҳисобрақамиди пул маблағларини тасаруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи шахсий идентификация рақами (ПИН-код)га эга бўлиб, у нотўғри терилган тақдирда пластик карточка автоматик тарзда блоктировка қилинади;

беғона шахсларнинг сохта-лаштириши ва рухсатсиз фойдаланишига йўл қўймайдиган микроипли модуллар ва маълумотларни шифрлайдиган турт поғонали тизимга эга пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасида ягона "Ўзкарт" тўлов тизими фаолият кўрсатадиган;

пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда миқозлар ҳисоб-рақамидан маблағ ечиш ва унга пул ўтказиш умумреспублика ягона процессинг маркази орқали амалга оширилади, бу миқозлар ҳамда сотувчиларни турли қаллоблик ва алдовлардан ҳимоя қилишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари пластик карточкалар, ҳисоб-китоб терминаллари, банкоматлар ва бошқа махсус хизматларни юқори даражада ҳимоя қилиш бўйича белгиланган талабларга риоя этилиши устидан қатъий тизимли назоратни таъминласин, пластик карточкалардан фойдаланиш орқали нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда сохташтириш ҳамда фидрибарликларни истисно этадиган қўшимча чора-тадбирларни кўрсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклар ассоциацияси ва тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган 2010 — 2011 йилларга мўлжалланган банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича махсус хизматлар тармоғини қўшимча кенгайтиришга доир прогноз кўрсаткичлар 1-иловага мувофиқ маълумлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий

банк, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон банклар ассоциацияси ва тижорат банкларининг аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширадиган ва банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жихозланиши шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари рўйхатини кенгайтириш тўғрисидаги таклифига (2-илова) розилик берилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари манфаатдор давлат ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари билан ҳамкорликда 2011 йилнинг 1 январига қадар мазкур қарорнинг 2-илоvasига мувофиқ рўйхатга киритилган чакана савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш объектларини банк пластик карточкаларидан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жихозлаш чораларини кўрсин.

Белгиланган қўйилсинки, юқоридаги рўйхатга киритилган ҳўжалик субъектларининг тўлов терминаллари билан жихозлаш ва улардан фойдаланишга оид талабларга риоя қилмаслиги назорат-касса машиналарини билан жихозлаш ва улардан фойдаланиш тартибини, савдо ва хизмат кўрсатиш қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгарлик юкланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси: аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширадиган ва ҳисоб-китоб терминаллари билан жихозланиши шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектларининг қўнунчилигида биноан банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш талабларига сўзсиз риоя қилишни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан қичариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширадиган ва ҳисоб-китоб терминаллари билан жихозланиши шарт бўлган объектлар фаолияти устидан мунтазам мониторинг ўтказсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки: Ўзбекистон банклар ассоциацияси билан биргаликда тижорат банкларининг сўмили банк пластик карточкалари орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўлов тизимида мижозларга хизмат кўрсатиш

бўйича тасдиқланган ягона тарифларга риоя қилиши устидан тизимий мониторинг ўрнатсин;

тижорат банкларининг ягона тарифларга риоя қилмаслиги бўйича аниқланган ҳолатлар юзасидан уларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўрсин, шунингдек, тарифлар ошишига йўл қўйган тижорат банкларига нисбатан қўнунчиликда кўзда тутилган санкцияларни қўласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августда қабул қилинган "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 433-қарорининг 1-банд иккинчи абзацни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрда қабул қилинган "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 445-қарорининг 7-банди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлда қабул қилинган "Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодий модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокчилари фаолиятини шарт-шароитларини тўғрисида"ги 670-қарорининг 7-бандида кўзда тутилган солиқ ва боғжона имтиёзларига амал қилиш муддати 2012 йилнинг 1 январигача узайтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати-нинг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартирилган киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Вазирлар Маҳкамасига қўнунчиликка мазкур қарордан келиб чиққан ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин;

идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. М. Муллажонов зиммасига юклансин.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА



Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида олиб борилётган изчил ислохотлар барча соҳалар қатори иқтисодийнинг муҳим тармоғи — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига ҳам кенг йўл очмоқда. Натижада жойларда турли кичик корхоналар ишга туширилиб, улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ҳамда рақобатбардошлиги билан харидорларга манзур бўлаётир.

Жараён

Урганч туманидаги "AFRI" хусусий корхонаси фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Гап шундаки, 70 нафардан зиёд ёшлар меҳнат қилаётган мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган 8 турдаги яхна ичимлик сувлари нафақат Хоразм вилояти, балки Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар истеъмолчиларига ҳам етказиб берилапти.

Қувонарлиси, бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 2008 йилда 637 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 1 миллиард 500 миллион сўмдан ошди.

Жорий йилда хорижнинг 197 минг АҚШ долларлик сармояси эвазига корхона фаолиятини янада кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Ушбу лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, қўшимча 10 та иш ўрни яратилиши билан бирга, четдан келтирилаётган пластмасса идишларни корхонанинг ўзида тайёрлаш йўлга қўйилади.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТДА: оператор Роҳила Исчанова.
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

«ЎЗБЕК МОДЕЛИ»НИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

Авал хабар қилингандек, Тошкентда 12 апрель куни "Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)" мавзуда халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Давид ОУЭН, Халқаро валюта жамғармаси Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директори

— Ўзбекистонда иқтисодий ислох қилиш бўйича чораларнинг ўз вақтида қабул қилинган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирига мустаҳкам тўсик бўлди. Мамлакатнинг раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган оқилона сиёсат туфайли глобал иқтисодий инқироз Ўзбекистонга деярли таъсир кўрсата олмади. Юртингиз инқироз этишларини бартараф этишда нафақат МДХ, балки бошқа қўллаб-қувватлаш орасида энг яхши натижага — ялпи ички маҳсулотни салмоқли ва барқарор оширишга эришди.

Ўзбекистонда иқтисо-

дийнинг сиёсатдан устун туриши ва бу борада олиб борилётган изчил ислохотлар халқингиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётир.

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Шуни алоҳида қайд этишни истардимки, мамлакатингизда иқтисодийнинг барча тармоқлари қатори, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бу борада тадбиркорларга қўллаб-қувватлаш имтиёзлар яратишга катта эътибор қаратилаётганини гувоҳи бўлдим. Зеро, бу омиллар юртингиз иқтисодийнинг ҳар қандай шароитда муттасил ривожланишига катта ҳисса бўлиб қўшилимоқда.

Азमत Ҳаёт ХОН, Пешавор университети ректори (Покистон):

— Юртингизга ҳар са-

фар ташир буюрганимда, барча соҳаларда эришилаётган улкан ютуқларга гувоҳ бўламан. Ўзбекистон — иқтисодий барқарор ривожланаётган

асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтишнинг "Ўзбек модели" нақадар тўғри эканини яна бир бор тасдиқлади.

Бойко НИТЦОВ, АҚШ Атлантика кенгашининг Евроосиё энергетика маркази директори:

— Аввало, "Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари

(Ўзбекистон мисолида)" мавзуда халқаро илмий-амалий конференция жуда юқори савияда ташкил этилгани алоҳида таъкидламоқчиман. Ушбу анжуман барча иштирокчилар учун жуда фойдали бўлди. Ўзбекистоннинг ўз вақтида қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури аниқ мақсадларга йўналтирилганига, глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирларини юмшатиш имконини берганига амин бўлдим.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга

амалга оширилганлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари

(Ўзбекистон мисолида)" мавзуда халқаро илмий-амалий конференция жуда юқори савияда ташкил этилгани алоҳида таъкидламоқчиман. Ушбу анжуман барча иштирокчилар учун жуда фойдали бўлди. Ўзбекистоннинг ўз вақтида қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури аниқ мақсадларга йўналтирилганига, глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирларини юмшатиш имконини берганига амин бўлдим.

(Давоми 2-бетда).

Тадбир

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган "Республика худудий босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ёш журналистларнинг марказий наشرларда малака ошириши" лойиҳаси якунланди.

Ёш журналистлар ўқуви якунланди

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур лойиҳада Тошкент ва Сирдарё вилоятларининг ёш журналистлари мамлакатимизнинг етакчи наشرлари ҳамда ахборот агентликлариде малака оширдилар.

Улар бир ҳафта давомида Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси, Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Ўзбекистон экологик ҳаракати, Журналистлар ижодий уюшмаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамда бир қатор олий таълим

(Давоми 2-бетда).

Маҳаллийлаштириш дастури шарофати

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида Вобкент туманида саноат корхоналари сони яна биттага кўпайди.

Бу ерда кир ювиш воситаси — сода ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Раҳматилло Умар" хусусий кор-

хонаси иш бошлади. 95 минг АҚШ долларлик замонавий технологиялар билан жихозланган ушбу корхо-

ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

2010 йилнинг биринчи чораги якунларига қўлла, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши

7,6 фоизни ташкил этди.

Бундай ижобий кўрсаткич жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган мураккаб бир шароитда қўлла киритилгани, айтиш мумкинки, республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари, макроиқтисодий мувозанатлилик, иқтисодий юксалтиришнинг барқарор суръатларини таъминлаш юзасидан изчил қўллаётган чора-тадбирларнинг юксак самарасидир.



Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 19 апрель

БИР РАҚАМ
ШАРҲИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат Фондининг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси янги таркибининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Парламент комиссиясининг 2008 — 2009 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди, истиқболдаги вазифалари белгилаб олинди.

Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг ноёб ва энг демократик шакли сифатида баҳоламоқдалар. Уларнинг фикрича, Ўзбекистонда фуқаролик институтларини ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар қўри-

муаммоларни ҳал этиш, фуқароларнинг ижтимоий ва ишчанлик фаолияти оширилишини таъминлаш лозим бўлган бошқа лойиҳаларни рўйбга чиқаришга қаратилган ривожлантириш амалга оширилди. Жумладан, Парламент комиссиясининг қарорига биноан, 2008 — 2009 йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига 120 тадан ортиқ ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳани амалга ошириш учун субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар ажратилди.

Бундан ташқари, Парламент комиссияси мажлис доирасида ўзининг истиқболдаги вазифаларини белгилаб олди. Бу вазифаларни ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир" маърузасидан келиб чиқадиган фуқароларнинг ижтимоий фаолигини ошириш, уларни жамият ва давлат қурилишининг энг долзарб масалаларини ҳал этишга кенг жалб этиш ҳамда одамлар онгда демократик дунёқараш ва қадриятларни мустаҳкамлашда муҳим омил бўладиган ННТларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнидаги иш-тироқини кучайтириш, экологик

«ЎЗБЕК МОДЕЛИ»НИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун қулай сармоявий муҳит ва зарур ҳуқуқий-меъёрий замин яратилгани, ишлаб чиқариш тармоқларининг барқарор ва узлуксиз ишлаши учун зарур захира яратилгани, логистика, транспорт, таълим каби соҳаларни янада ривожлантиришга улкан эътибор қаратилганига юксак самаралар бераётир.

Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари диққатга сазовор. Юртингизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик учун яратилган қулай сармоявий муҳит америкалик ишбилармонларнинг Ўзбекистонда бизнес қилиш борасидаги қизиқишини тобора оширмоқда. Ўзбекистонда америкалик шериклар билан ҳамкорликда тузилган кўплаб компанияларнинг, жумладан, "GM-Uzbekistan" кўшма корхонасининг фаолият юритишга ташаббус қилиши юртингиздаги ўзаро муносабатлар изчил ривожланишига ёрдам берди.

Александр АБЕРБУХ, "Ашра" давлат суртунта компанияси департаменти директори (Исроил):

— Дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан юзлаб мутахассислар иштирок этган мазкур анжуман жаҳонда, хусусан Ўзбекистонда глобал молиявий-иқтисодий таназзул оқибатларини бартараф этиш ва энгиллаштириш йўлида амалга оширилётган ислохотлар бераётган самаралар билан яқиндан танишиш, уларни ўрганиш ва муҳокама этиш учун қулай имконият яратди.

Кўплаб мамлакатлар иқтисодийотида жиддий зарар етказган глобал молиявий-иқтисодий инқироз Ўзбекистон эркин иқтисодий бозор муносабатларида босқичма-босқич ўтиш йўлини таллаб, жуда тўғри иш тутганини яна бир бор тасдиқлади. Президент Исроил Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбеки-

тонни ривожлантиришнинг машҳур беш тамойилига асосланган иқтисодий ислохотларнинг "Ўзбек модели" мамлакатингиз молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф этишида муҳим омил бўлди.

Бу мустақил Ўзбекистон бошидан-аввал таққи дунё билан иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик қилиш йўналишларини тўғри танлаганининг амалдаги исботи ҳамдир. Бугун мамлакатингиз ҳеч кимга қарам эмас. У ўзи тўғри танлаган тараққиёт йўлидан оғишмай ва дадил олга бораётир.

Валерий НИКИФОРОВ, Балтия Халқаро академияси бошқаруви раиси, академик (Латвия):

— Конференция доирасида Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инновация технологияларини жорий этиш, ресурсларни тежаш ва маҳсулот таннархини камайтириш борасида улкан ишлар амалга оширилётганининг гувоҳи бўлдим. Бунинг эвазига реал сектор корхоналарининг молиявий барқарорлиги таъминлангани, хўжалик субъектлари учун солиқ юкининг имкон қадар пайсаси қисқариши чоралари қўрилгани эътиборга молик. Ўтган йили мамлакатингиз иқтисодийотида жалб қилинган инвестициялар ҳажми 25 фоиз, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 1,8 баробар ошгани юртингизда хориж сармоясини жалб этиш борасида улкан ишлар амалга оширилётганининг гувоҳи бўлдим. Бунинг эвазига реал сектор корхоналарининг молиявий барқарорлиги таъминлангани, хўжалик субъектлари учун солиқ юкининг имкон қадар пайсаси қисқариши чоралари қўрилгани эътиборга молик.

Биз Ўзбекистондаги тегишли вазирлик ва идоралар билан таълим соҳасининг банк-молия йўналишида бир неча йилдан бери самарали ҳамкорлик қилиб келаямиз. Юртингизда таълим соҳасида ўтказилган кўргазмаларда мунтазам иштирок этамиз. Таъкидлаш жоизки, мамлакатингизда ёшларга берилаётган эътибор ва ўз ўрнида Ўзбекистон ёшларининг бу имкониятлардан унумли фойдаланаётгани таъжубга сазовор.

ЎзА мухбирлари
Мадина УМАРОВА,
Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР, ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Маълумки, Парламент комиссияси ва Жамоат Фонди 2008 йил июни ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Кенгашларининг "Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қўшма қарорига асосан ташкил этилган эди. Унга кўра, Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини молиялаштириш манбаларини шакллантиришнинг мустақил, демократик тамойилларга асосланган тизими яратилди.

Парламент комиссиясининг таркибига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, шунингдек, тегишли вазирлик ва идораларнинг экспертлари, нодавлат нотижорат

ташкилотлари ва ОАВ вакиллари қиради. Парламент қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раҳбари, "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Акмал Саидов мазкур комиссия раиси ҳисобланади.

Парламент комиссияси асосий вазифаларига кўра, нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантиришга субсидиялар, ижтимоий буюртмалар, грантлар ажратади, шунингдек, ушбу ажратилаётган маблағларнинг тақсимлангани ва сарфланишини назорат қилади. Ўз навбатида, маблағлари Парламент комиссияси томонидан бошқариладиган Жамоат Фонди фаолиятини очиклик, ошкоралик, шаффоқлик, шу билан бирга, ННТ ва фуқаролик жамия-

тининг бошқа институтларига ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланиши тамойиллари асосида олиб боради. Фонд молиявий маблағларнинг манбаи, асосан, Давлат бюджети маблағларидан иборат бўлиб, улар ННТларга бевосита танлов йўли билан ҳамда Парламент комиссиясининг қарорлари асосида бирон-бир оралик бўғинлар ва тузилмалар иштирокисиз ажратилади. Бунда Жамоат Фондининг молиявий маблағлари ҳажми ҳар бир йил учун Давлат бюджети тасдиқланган вақтда белгиланади.

Чет эллик экспертлар мамлакатимизда ва хорижда ўтказилган кўплаб конференцияларда, давра суҳбатларида Парламент комиссияси ҳамда нодавлат ва нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат Фондининг тузилишини

моқда ва Парламент комиссиясининг тузилиши "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" ўтиш концепцияси самарали рўйбга чиқарилишининг яна бир тасдиғидир.

Мажлиса долзарб ташкилий масалалар билан бир қаторда, Парламент комиссиясининг 2008 — 2009 йиллардаги фаолияти яқунлари ҳам муҳокама этилди. Қайд этилганидек, қисқа вақт ўтганига қарамай, Парламент комиссияси томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнидаги иш-тироқини кучайтириш, экологик

Шунингдек, мажлисда тадбир иштирокчилари томонидан Парламент комиссиясининг истиқболга йўлланган Ҳаракат дастури лойиҳасини тайёрлаш юзасидан тақлиф ва тавсиялар берилди.

Зиёда АШУРОВА.

ЗАМОНАВИЙ ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ парвозлар хавфсизлигини таъминламоқда



Бугун "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси хавфсиз ва ишончли парвозни амалга ошириш бўйича дунёнинг етакчи компанияларидан бири ҳисобланади. Зотан, истиқлол йилларида тизимнинг моддий-техник базасини яхшилаш, йўловчиларга ҳар томонлама сифатли хизмат кўрсатиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Бунга "Нукус" аэропортининг фаолияти яққол мисол бўла олади.

Ҳозирги кунда бу ерда йўловчиларга жаҳон стандартлари даражасида хизмат кўрсатишмоқда. Хусусан, чипталарнинг электрон тарзда сотилиши йўлга қўйилгани йўловчиларга тезкорлиги билан манзур бўлаётган бўлса, компьютерлаштирилган телеграф тизим (СИТА)нинг ўрнатилгани эса маълумот ва хабарномалар олиш имкониятини яратиб берапти.

— Жорий йилнинг бирин-

чи чорагида 16 мингдан зиёд йўловчи ўз манзилларига етказилди, — дейди аэропорт директори Кенжабол Худойберганов. — Қувонарлиси, бу аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 114 фоизини ташкил қилди. Юк ва почта жўнатмаларини ташши эса 152 фоизга уфдаланди. Таъкидлаш керакики, учиб хавф-

сизлигини таъминлаш бизнинг энг асосий вазифаларимиз сирасига қиради. Шу боис айна кунларда аэропортимизда Финляндиянинг "Вайсала" фирмасида ишлаб

чиқарилган метеосуналар ўрнатилмоқда. Самолётлар учиб-қўнадиган йўллар эса қайта таъмирланаётир.

Худод АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: аэропорт фаолиятидан лавҳалар.

Ҳасан ПАЙДОВ олган суратлар.

РАВНАҚ ВА РАҒБАТ ОМИЛИ

Косонсой туманидаги "Чашмаи сафед" фермер хўжалиги раҳбари Ҳамидхон ака Мўйдинхўжаев ҳам ана шундай инсонлардан бири. Туманда биринчилардан бўлиб фермерликка қўл урган Ҳамидхон ака давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, фаолиятини йил сайин кенгайтириб борапти. Натигада хўжалик чинакам саховат ҳазинасига, қайранга бўлмоқда айланади. У бугун шундай маънавиятмоқдаки, тўлиб-тошаётган бу қут-баракат бўлоғидан миллионлаб кишилар баҳраманд бўлаётир. Ишоти дейсизми? Мамлакатимиз пойтахти, Фарғона водийси шаҳарларидаги йирик савдо дўконларига киради, сотувчилар, энг аввало, сизга "Чашмаи сафед" ёрлиғи битилган ўнлаб турдаги сара пишлоқлар, дастурхонга қўрқ берадиган гўшт маҳсулотларини тақлиф қилишди. Мақталганича бор, уларнинг бари чиройли қадоқланган, тановул қилсангиз, мазаси озгинида қолади.

Аслида, чорвачилиқдай сермехнат соҳани барқарор йўлга қўйишнинг ўзи осон юмуш эмас. Дастлаб 30 гектар ери ва 28 бош қорамоли, тўрт нафар ишчиси билан фаолият бошлаган фермер хўжалигининг бугунги "Чашмаи сафед" даражасига эришиши ҳам ана шундай энгил кечмади. Ерларни соғломлаштириш, собиқ ширкат хўжалигидан мерос қолган жайдарни қорамоллар зотини яхшилаш, улар учун етарли озуқа базаси яратиш сингари муаммолар ечими хусусида анчагина бош қотиришга, тинимсиз тер тўкишича тўғри келди. Айниқса, соғиб олинган сутни сотиш орқали даромадни кўпайтириш мушкуллигини ўз вақтида англаган Ҳамидхон ака 1994 йили Германиядан қайта ишлаш линиясини сотиб олди. Пировардида кунлик ишлаб чиқариш қуввати 8 тоннага тенг бу технология жижозлар ёрдамида тайёрланган 12 турдаги пишлоқ, бринза, қатиқ, қаймоқ ва бошқа турдаги маҳсулотлар қишлоқ аҳли дастурхонини беришдан ташқари, хўжаликнинг даромадини кескин оширди. Қишлоққа саннат кириб келишининг нафи ҳар жиҳатдан сезилди. Одамлар ишли бўлди. Фермернинг имкониятлари кенгайиб, ҳудуд инфратузилмасини ривожлантириш, ободонлаштириш юмушларида янада фаолроқ иштирок эта бошлади.

"Чашмаи сафед"нинг фаолиятида кейинги йиллар юксалиш даври бўлди, дейиш мумкин. Жумладан; фермер 2007 йили Голландиядан 30 бош зотли сингир олиб келди. Ҳар бирининг кунлик маҳсулдорлиги 30-35 литрни ташкил этадиган говмишлар чашмага барак киритди. Ўз навбатида, 36 та насли бузюқ олинди.

— Ўтган йили ҳаётимда унутилмас воқеа юз берди, — дейди Х. Мўйдинхўжаев. — Иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида вилоятимизда бўлган Юртбошимиз хўжалигимизга таширф буюрдилар. Дилдан суҳбатлашадиган ташқари, хўжаликнинг даромадини кескин оширди. Пировардида олиб бораётган ишларимизни қўллаб-қувватлаб, фермер хўжаликларининг истиқболига ҳудуд шундай бўлиши, таърибимизни оммалаштириш зарурлигини таъкидладилар. Гапнинг ростли, олтинсини қоралабманки, бунчалик руҳланмаган эдим. Худди вужудимни ёшлик

ғайрати қайтадан эгаллагандай бўлди. Ўша учрашув чоғида Юртбошимизга гўштни қайта ишлаш линиясини тез орада ҳаракатга туширамиз, дея ваъда бергандим. Сўзимнинг устидан чиқиб, август ойида қолбаса маҳсулотлари тай-

миллон 220 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. — Ҳақиқий фермер Ҳамидхон ака сингари бўлиши керак, — дейди қишлоқ ёшларидан бири Сохибжон Азимов. — Топганини эл билан баҳам қўришни, қишлоқимиз равақига сарфлашни яхши

қўлади. Мана, Боғишамол даҳасидаги йирик маданий-маърифий мажмуани олайлик. 120 миллион сўм маблағ сарфланиб, ярим гектар майдонда барпо этилган "Чашмаи сафед" мажмуаси каттаю кичикнинг сеvimли масканига айланган. Йигит-қизлар бу ердаги волейбол, футбол майдони, сузиш ҳавзаси, стол теннисини ва билиярд майдонларида бўш вақтларини мазмунли ўтказиб, жисмоний жиҳатдан чиниқадилар. Тантана ва маросимлар зали, оталар чойхонаси хизматидан ҳам кўпчилик мамнун.

Дарҳақиқат, фермер хўжалиги кейинги бир йилнинг ўзида хайр-саховат тадбирларига 17 миллион сўм маблағ сарфлади. Бу юмушлар таркибида қишлоқнинг ободонлаштириш, кам таъминланган хонадонларга моддий

қўмак бериш, мактабларга ота-лиқ ёрдам кўрсатиш сингари эзгу ишлар бор. Биргина ҳудуддаги 25-болалар боччасига ойига 800 минг сўмликдан зиёд ёрдам кўрсатилмоқда. Ўтган йили деҳқончиликдан маҳалладошларга 10 тонна бугдой, бир тонна гўшт, 5 тонна сабзи, 8 тонна пиез тарқатилди. "Чорбоғ" маҳалла фуқаролар йиғини идорасига зарур жиҳозлар олиб берилди. Бундан ташқари, кам таъминланган иккита оила фарзандларининг никоҳ тўйига бош-қошиқ қилди.

Ватан равақи, юрт фаровонлиги йўлида қилинган эзгу меҳнат эътибори эъзозга, раҳмату рағбатга лойиқ топилади. Ҳамидхон Мўйдинхўжаевнинг изланиши ва интилишлари, аграр соҳа ривожига қўшаётган ҳиссаси ҳам муносиб баҳоланмоқда. Унинг қўшмини "Эл юрт хурмати" орденини, "Шўхрат" медали сингари давлат мукофотлари бегази. Яқинда эса Президент соврини учун ўтказилган "Ташаббус — 2010" кўрик-танловининг якуний босқичида 28 турдаги гўшт ва сўт, 50 турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан қатнашган "Чашмаи сафед" фермер хўжалигининг фаол иштироки эътироф этилиб, "Энг яхши фермер" номиначиси бўйича қолиб, деб топилди. Ҳамидхон ака пойтахтдан Президент совғаси — "Матиз" автомобили билан қайтиди.

Юртимизнинг кўҳна заминларидан бири бўлган Косонсойдан кўплаб доғишман, зуққо ва танчи кишилар етишиб чиққан. Уларнинг ақсарияти илм-фан соҳасидаги ютуқлари билан юртдошларимиз дилидан жой олган бўлса, бошқалари яратувчилик меҳнати, халқ хўжалиги ривожини, озоод ва обод элимиз равақига қўшаётган ҳиссаси билан тилга тушган. Косонсой фаҳрига айланган бу инсонлар сафида бугун замондошимиз Ҳамидхон Мўйдинхўжаев ҳам бор.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР ЎҚУВИ ЯКУЛАНДИ

нинг масъулиятли вазифалари, минтақавий нашрлар фаолиятини замонавий журналистиканинг талаб ва меъёрлари асосида тақомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

— Газетани ҳам мазмундан, ҳам дизайн жиҳатидан замон талаблари даражасига кўтариш борасида катта амалий тажриба ортирди, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Сирдарё вилоятидаги "Адолат кўзгуси" газетаси мухбири Ситора Борлибоева. — Ўрганган билим ва тажрибамиз газетамиз ишини янада яхшироқ ташкил этишда асқотиши, шубҳасиз.

Нозикот УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 20 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиши, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати қийматини белгилади. *)

1 Австралия доллари	1436,64
1 Англия фунт стерлинги	2384,44
1 Дания кронаси	282,94
1 БАА дирҳами	425,62
1 АКШ доллари	1563,26
1 Миср фунти	283,46
1 Исландия кронаси	12,33
1 Канада доллари	1538,34
1 Ҳитой юани	229,03
1 Малайзия ринггити	486,32
1 Польша злотийси	541,80
1 СДР	2383,05
1 Туркия лираси	1050,79
1 Швейцария франки	1468,95
1 Евро	2104,77
10 Жапония Корея вони	14,00
10 Япония иенаси	169,86
1 Россия рубли	53,85
1 Украина гривнаси	197,24

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмагади.

ЖАҲОН

24 соат
ичида

Қатновлар тўхтаб қолди

Исландиядаги Эйяфьятлайокудль музигида ҳаракатга келган вулкон Европадаги аксарият авиакомпаниялар фаолиятининг тўхтаб қолишига сабаб бўлди.

Гап шундаки, вулкондан ажралиб чиқаётган кулнинг тарқалиш кўлами ва суръати тезлашмоқда. Оқибатда минтақа осмонини кулли булутлар қоплаб олган. Бу эса самолётлар двигателларига салбий таъсир кўрсатиши ва жиддий хавф-хатарларни юзага келтириши мумкин. Маълумотларга қараганда, шу боис ҳозиргача бекор қилинган парвозлар сони олтинчи мингдан ортган. Қарийб етти миллион йўловчи вақтини аэропортларда ўтказмоқда. Натижада баъзи жойларда самолётлар парвозига рўхсат берилиши талаб қилиниб, намоийшлар уюштирилган. Гарчи синов тариқасида қисқа муддатли парвозлар муваффақиятли амалга оширилган бўлса-да, мутасаддилар лайнерлар ҳаракатини яна йўлга қўйишга шўшиллаётгани йўқ. Вулкон тўфайли авиакомпаниялар кўрган иқтисодий зарар миқдори эса бир миллиондан ортиб кетди.

Бундан ташқари, мутахассислар вулкон оқибатида катта ҳудуддаги музликлар эриши ва атрофдаги сув сатҳи кўтарилиши борасида ҳам оғохлантиришмоқда.

Талафотлар ортиб бормоқда

Шу йилнинг 14 апрель кунин Хитойнинг Цинхай ва Сичуань музофотлари ҳамда Тибет автоном туманида юз берган зилзила талафотлари тобора ортиб бормоқда.



мишга яқин одам эса бедарак йўқолгани айтилмоқда. Таажубли жиҳати, зилзила содир бўлган кундан буён ҳудудда кучли ишчилик урғинлиги юқори бўлмаган эриштирилган қайд этилиб турибди. Ҳозир улар сони мингдан ошган.

Худудда вайронлар остида қолиб кетган одамларни қўқариш ишлари олиб боришмоқда. Бу тadbирларга ўн беш минг киши жалб этилган.

Энг иссиқ келган ой

Жорий йилнинг март ойи Ер юзида одатдагига нисбатан анча иссиқ келган.

Бу ҳақда АҚШ океан ва атмосферани ўрганиш Миллий бошқармаси томонидан маълум қилинди. 1880 йилдан буён олиб борилган кузатишларга қараганда, 2010 йилнинг мартида қуруқликдаги ўртача ҳаво ҳарорати 13,5 даражани ташкил қилган. Мазкур кўрсаткич ўтган асрнинг шу даврида қайд этилган ўртача ҳароратдан 0,77 даража юқори экан. Океанларда эса 16,5 даража иссиқ ҳарорат кузатишган. Бу ҳам XX асрда қайд этилган ўртача ҳароратга нисбатан 0,56 даража юқори кўрсаткичдир. Шу боис мутахассислар жорий йилнинг мартини ҳозиргача Ер юзиде энг иссиқ келган март ойи деб ҳисоблашмоқда.

Саратонга қарши восита

АҚШлик бир гуруҳ олимлар саратон касаллигига қарши самарали восита яратишди, дейилади "ИТАР-ТАСС" агентлиги хабарига.



инсон организмда бир жойдан бошқа жойга ўтиб кетиши мумкин. Мазкур молекула айнан шу жараёнга тўсқинлик қилади.

Ҳозирча макрокотон сичқонларда муваффақиятли синиб кўрилган. Аммо тадқиқотчилар у одамларда қўлланилганда ҳам, ҳозирга қадар яратилган даво воситаларига нисбатан катта самара беришига ишонч билдиришмоқда.

Маълумки, саратон анча хавфли касаллик бўлиб, у

Соф фойда — 200 миллион евро

Нидерландиянинг электроника маҳсулотлари ва соғлиқни сақлаш тизими учун зарур техника воситалари ишлаб чиқарувчи "Royal Philips Electronics N.V." компанияси жорий йилнинг биринчи чорагини фойда билан яқунлаган.

Бу ҳақда "Рейтер" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Яъни ўтган даврда корхона маҳсулотлари сотуви 11,9 фоизга ошиб, 6,58 миллиард еврога ташкил қилган. Натижада "Royal Philips Electronics N.V." 200 миллион евро миқдорда соф фойда кўрган. Изоҳланишича, жаҳон бозориде истеъмол даражасининг ўсиб бораётгани компания фаолиятида ижобий ўзгаришларга сабаб бўлган.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, корхона ўтган йилнинг илк чорагини 59 миллион евро зарар билан яқунлаганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Банк ва миқоз ўртасидаги ҳамкорликнинг мустақамланиши бевосита улар орасида ўрнатилган ишончли муносабатларга боғлиқ. Шу маънода, бугунги кунда республикамиздаги мавжуд молия муассасаларининг "Миқоз банк учун эмас, банк миқоз учун" тамойили асосида фаолият юритаётгани банк-молия тизимини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаёттир. Бу эса, ўз навбатида, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қилаёттир.

ИМКОНИЯТ, ИМТИЁЗ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИК

Бу жараёнда "Микрокредит-банк" очик акциядорлик тижорат банки томонидан амалга оширилётган ишлар, айниқса, алоҳида эътиборга моликдир. Негаки, асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермерлик ҳаракати, шунингдек, касаначиликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ихтисослашган мазкур молия муассасаси кўмагида жойларда юзлаб тадбиркорлик субъектлари пайдо бўлиб, минглаб янги иш ўринлари яратилаёттир. Хусусан, банкнинг Андижон вилояти филиали томонидан ўтган йил давомида 2298 та тадбиркорлик субъектига 12 миллиард 700 миллион сўмдан ортиқроқ микромолиявий хизматлар кўрсатилгани сўзими исботидир.

Умуман, ҳозирги кунда молия муассасасининг 8 та филиали ва 18 та минибанки томонидан вилоят аҳлига намунали ва тезкор хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Айтиш жоизки, мазкур молия муассасаси фаолиятини ривожлантириш ва хизмат турларини кенгайтиришда мамлакатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги



Молия муассасаларида

"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чорани тадбирлари тўғрисида "ги Фармони ана шулардан биридир. Зеро, ушбу Фармонда банк маблағ ва хизматларидан фойдаланувчи тадбиркорлик субъектларига қўлайликлар яратилиши баробарида, талайгина имтиёзлар ҳам берилди. Масалан, тадбиркорлик фаолиятини

бошлаш учун бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридеги микросармоянинг йиллик фоизи 5 фоиздан 3 фоизга, айланма маблағларни тўлдириш учун энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдорда бериладиган микрокредит Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 100 фоиздан 50 фоизга, кичик бизнес субъектларига энг кам иш ҳақининг 2000 баробаригача миқдорда бериладиган лизинг хизмати

Танлов

Самарқанд шаҳрида ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида уюштирилган "Ҳуқуқ билим-донлари" республика кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.

«АДОЛАТ» ЖАМОАСИ ҒОЛИБ

Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг "Адолат", "Юристар" ва "Ёш ҳуқуқшунослар" жамоалари ўзаро беллашди. Танлов қатнашчилари мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни турли кўргазмалари воситалар ва сахна кўринишлари орқали ёритиб беришга ҳаракат қилдилар.

Яқунда Самарқанд вилоятининг "Адолат" жамоаси ғолиб деб топилди, танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Дилшод УЛУҒМУРДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Кўчма музей»

"Барқамол авлод йили" Давлат дастури доирасида И. Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат ўлкашунослик музейи ва ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ҳамкорлигида "Кўчма музей" лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Кўргазма

Ёшларнинг дунёқараши, маданияти, билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ташкил этилган ушбу лойиҳа доирасида жойлардаги таълим муассасаларида музей экспонатларидан намуналар намойиш этилаёттир. Шу билан бирга, ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, мутахассислар томонидан тарихимиз, миллий аънава ва урф-одатларимизга оид мавзуларда давра суҳбатлари, маърузалар уюштирилди.

"Кўчма музей" шу кунгача Тахташот, Чимбой, Нукус, Хўжайли ва Кеғейли туманлари ёшлари ҳузурига ташириб буюрди.

Х. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ROKA COMPANY» уруғчилик компанияси

Янги мавсум учун Испаниядан келтирилган серхосил маккажўхори уруғларини таклиф қилади.

Уруғлар сертифициланган ва давлат реестрига киритилган.

Тел.: 257-44-01, 257-44-03, 100-83-13, 382-56-57.

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ, ИНЖЕНЕРОВ ПО ОХРАНЕ ТРУДА!

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ ПРОДУКЦИЮ ПО ОХРАНЕ ТРУДА И ТЕХНИКЕ БЕЗОПАСНОСТИ:

- плакаты и стенды по ОТ и ТБ;
- учебные наглядные пособия для вузов и колледжей;
- тренажеры «Максим» для обучения приемам реанимации.

Оплата — по перечислению.
Тел./факс (+998 71) 233-53-00.
Тел.: (+998 97) 717-17-52, (+998 90) 186-28-52.

ЭЪЛОН!

2010 йил 20 май соат 10.00 да

ВШ-724 «Наманган — Кўкон» икки томондан ВШ-725 «Андижон — Кўкон» Кўкон томонидан ВШ-736 «Тошкент — Дўстлик» Дўстлик томонидан ВШ-745 «Тошкент — Пахтакор» Пахтакор томонидан ВШ-761 «Мархамат — Кува» икки томондан ВШ-762 «Тошкент — Навоий» икки томондан ВШ-767 «Шахрисабз — Бухоро» Шахрисабз томонидан ВШ-776 «Қарши — Термиз» Термиз томонидан ВШ-780 «Тошкент — Даштобод» икки томондан ВШ-782 «Тошкент — Қозоғистон ш.х.» икки томондан ВШ-818 «Тошкент — Шахрисабз» Тошкент томонидан ВШ-835 «Андижон — Марғилон» икки томондан ВШ-840 «Тошкент — Форш» икки томондан ВШ-848 «Самарқанд — Термиз» Термиз томонидан ВШ-856 «Гулистон — Бекобод» Гулистон томонидан ВШ-903 «Тошкент — Зафаробод» Тошкент томонидан ВШ-915 «Жўш — Арнасой 23 ш.х.» икки томондан ВШ-922 «Навоий — Қарноб» Навоий томонидан ВШ-960 «Тошкент — Кўйтош» икки томондан ВШ-978 «Пахтаобод — Зомин» Зомин томонидан ВШ-1022 «Тошкент — Денов» Денов томонидан ВШ-1082 «Тошкент — Жарқўрғон» Тошкент томонидан ВШ-1088 «Тошкент — Беруний» икки томондан	ВШ-1116 «Тўртқўл — Питнак» Питнак томонидан ВШ-1022_Т «Тошкент — Денов» Денов томонидан ВШ-1088_Т «Тошкент — Беруний» Беруний томонидан ВШ-731-ИТ «Денов — Шахрисабз» Денов томонидан ВШ-736-ИТ «Тошкент — Дўстлик» Тошкент томонидан ВШ-784-ИТ «Қарши — Навоий» Навоий томонидан ВШ-851-ИТ «Деҳқонобод — Музработ» икки томондан ВШ-863-ИТ «Самарқанд — Гагарин» Самарқанд томонидан ВШ-870-ИТ «Каттакўрғон — Навоий» Каттакўрғон томонидан ВШ-880-ИТ «Янгийер — Жиззах» Жиззах томонидан ВШ-969-ИТ «Гулистон — Зомин» икки томондан ВШ-971-ИТ «Сирдарё — Жиззах» икки томондан ВШ-1028-ИТ «Чўя — Пахтакор» Чўя томонидан ВШ-1030-ИТ «Ғиждувон — Кизилтепа» Ғиждувон томонидан ВШ-1103-ИТ «Арнасой — Тоз қишлоғи» Тоз қишлоғи томонидан ВШ-1105-ИТ «Самарқанд — Дўстлик» Самарқанд томонидан ВШ-1118-ИТ «Тўртқўл — Саримой» Саримой томонидан ВШ-1122-ИТ «Хива — Кўнғирот» икки томондан
---	--

шаҳарлараро-вилоятлараро автобус ва йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очик тендер ўтказилади.

Очик тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобидега турмуши ва автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тuzилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очик тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича Идоралараро комиссия.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй.

Очик тендерда қатнашишни хоҳловчилар идоралараро комиссияга тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Агробанк» АТБдаги 20210000300745005044 махсус ҳисоб рақами (банк коди: 00394, СТИР: 202811527, ХТХТ: 97300)га 35 мин сўм тўлаб, 2010 йил 15 майгача бюрутма беришлари лозим.

Идоралараро комиссия тендер таклифларини 2010 йил 19 май соат 18.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохқўчаси, 16-уй, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг мажлислар зали.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 241-56-27, 241-18-10.

«Ипотека-банк»
акциядорлик тижорат ипотека банки

компьютер қурилмалари келтириб бериш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда қатнашиш истаи бўлган ташкилотлар танлов шартларини 2010 йил 28 апрелга қадар олиши мумкин.

Тижорат таклифлари 2010 йил 6 май кунин соат 12.00 га қадар қабул қилинади.

Танлов шартларини олиш ҳамда тижорат таклифларини тақдим этиш манзили куйидагича:
Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шохқўчаси, 17-уй, «Ипотека-банк» АТИБ биноси.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 150-98-05, 150-89-25, 150-98-02.

Tucson Ўз йўлингни танла!

Тез кўчларда савдога бўлади!

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.

HYUNDAI Official Partner www.hyundai.com.uz
Tel. (8-371) 250-11-11

ЧЕМПИОНАТДА РАҚОБАТ КУЧАЙМОҚДА

Ўтган дам олиш кунлари футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионати Олий лигасида бешикчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Ушбу тур якунларига қараб ҳулоса чиқарадиган бўлсак, жамоалар ўртасида ўзаро рақобат кескин кучаяётганлиги, совринли ўринлар учун даъвогарлар сони тобора ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Энг муҳими, турнир жадалининг куйи поғоналарида бораётган жамоалар ҳам етакчи клублар билан тенгма-тенг баҳс юритишга ҳаракат қилишмоқда.

Бунга "Олмалик" — "Пахтакор" учрашувини мисол қилиб келтириш мумкин. Мавсум арафасида жамоа мураббийи Игорь Шквирин таркиб борасида жиддий муаммоларга дуч келганди. Чунки асосий таркибдаги бир йўла ўн бир нафар футболчи афрасида жамоа мураббийи Игорь Шквирин таркиб борасида жиддий муаммоларга дуч келганди. Чунки асосий таркибдаги бир йўла ўн бир нафар футболчи афрасида жамоа мураббийи Игорь Шквирин таркиб борасида жиддий муаммоларга дуч келганди. Чунки асосий таркибдаги бир йўла ўн бир нафар футболчи афрасида жамоа мураббийи Игорь Шквирин таркиб борасида жиддий муаммоларга дуч келганди.

Ўтган дам олиш кунлари футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионати Олий лигасида бешикчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Ушбу тур якунларига қараб ҳулоса чиқарадиган бўлсак, жамоалар ўртасида ўзаро рақобат кескин кучаяётганлиги, совринли ўринлар учун даъвогарлар сони тобора ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Энг муҳими, турнир жадалининг куйи поғоналарида бораётган жамоалар ҳам етакчи клублар билан тенгма-тенг баҳс юритишга ҳаракат қилишмоқда.

Бешикчи турдан кейинги вазият:

Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
"Бунёдкор"	4	3	1	0	8-2	10
"Навбахор"	5	3	1	1	7-1	10
"Пахтакор"	5	3	1	1	6-4	10
"Насаф"	4	2	2	0	3-0	8
"Андижон"	5	2	2	1	5-4	8
"Локомотив"	5	2	1	2	4-7	7
"Нефтчи"	5	2	0	3	8-7	6
"Шўртан"	5	1	3	1	3-5	6
"Машъал"	5	1	3	1	1-3	6
"Динамо"	5	1	2	2	3-4	5
"Хоразм"	5	0	4	1	2-3	4
"Кизилкўм"	5	1	1	3	2-4	4
"Металлург"	5	1	1	3	2-5	4
"Олмалик"	5	0	2	3	5-10	2

Зиёдулла ЖИМБЕКОВ тайёрлади.

Мурасисиз кечган баҳслар

Марғилон шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 1994-1995 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасидаги бокс бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари якунига етди.

Бир ҳафта давом этган ушбу бешлашуларда барча вилоятлардан ташриф буюрган 285 нафар ёш боксчи 14 вазн тоифасида рингга кўтарилиди. Мурасисиз жангларга бой бўлган турнир якунида Фарғона бокс мактаби тарбияланувчилари Акмал Қосимов (63 кг.), Акмалхон Саидхонов (66 кг.), Давлат Давронов (70 кг.), Ойбек Шарипов (75 кг.) ўз вазн тоифаларида биринчилиكنи қўлга киритиб, олтин медалларга сазовор бўлишди.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Давлатимиз раҳбарининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, жойларда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш йўлида амалий ишлар қилинмоқда. Ушбу қарорда кўзда тутилганидек, бугунги кунда репродуктив саломатлиكنи мустаҳкамлаш, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатувчи бирламчи муассасалар фаолиятини янада яхшилаш масалаларига жиддий эътибор қаратилаётир.

СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ

Жумладан, "Она ва бола" скрининг Давлат дастури"ни бажариш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида бўлажак оналарнинг соғлигини доимий назорат қилишга ҳамда наслдан-наслга ўтувчи кўплаб хавфли хасталикларнинг олдини олишга эришиляпти.

Қақшадарё вилоятидаги "Она ва бола" скрининг маркази ҳам замон талабларига мос ҳолда жиҳозланиб фойдаланишга топширилган. Айни пайтда марказимизда туғма ва ирсий касалликлар натижасида келиб чиқувчи ногиронликнинг олдини олиш ҳамда ҳомиланинг нуқсонсиз туғилишига қаратилган мақсадли режалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Аслида, скрининг марказининг

асосий вазифаси — бир ирсий хасталик билан туғилган гўдакларга тиббий генетик хизмат кўрсатиш ҳамда ҳомилалар аёлларни тўлиқ тиббий текширувдан ўтказишдир. Хусусан, оммавий неонатал скрининг туғуруқхоналарида чақалоқлар дунёга келганидан сўнг 4-5 кун ўтгач, туғма гипотериоз ва фенилкетонурия касалликлари келиб чиқилишининг олдини олиш мақсадида тиббий текширув ўтказилади. Шунингдек, бизда перинатал скрининг ёки туғуруқча ташхис текширувлари ҳам мавжуд. Бу ҳомилаларлик давридаёқ туғилмажак фарзанднинг соғлиги билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш имконини беради. Перинатал ташхис тиббий генетиканинг замонавий усулларидан бири бўлиб, ҳозирда бу услуб ирсий

касаликлар ҳамда ривожланиш нуқсонлари билан туғилиш кўрсаткичларини камайтиришда кўл келмоқда. Биргина 2009 йил мисолида олиб қарайдиган бўлсак, вилоятда перинатал скрининг текширувлари натижасида 4200 нафар ҳомилалар аёлнинг қон зардобини тиббий таҳлилдан ўтказилди. Бундан ташқари, 7130 нафар ҳомилалар аёл ультратовуш аппарати кўригидан ўтди ва 126 нафар бўлғуси онанинг ҳомиласида туғма нуқсонлар борлиги аниқлангани боис, улар ҳомилаларлик тўхтатиш учун туғуруқ мажмуаларига юборилди. Албатта, бундай ҳолатда ҳомилалар аёл ва унинг оила аъзоларига

Ислоҳот

вилоятда перинатал скрининг текширувлари натижасида 4200 нафар ҳомилалар аёлнинг қон зардобини тиббий таҳлилдан ўтказилди. Бундан ташқари, 7130 нафар ҳомилалар аёл ультратовуш аппарати кўригидан ўтди ва 126 нафар бўлғуси онанинг ҳомиласида туғма нуқсонлар борлиги аниқлангани боис, улар ҳомилаларлик тўхтатиш учун туғуруқ мажмуаларига юборилди. Албатта, бундай ҳолатда ҳомилалар аёл ва унинг оила аъзоларига

тиббий генетик маслаҳатлар берилади. Шунинг учун ҳам бугун невропатолог, эндокринолог, акушер-гинеколог, генетик, педиатг-дефектолог мутахассисларнинг тиббий тавсияси жиддий хасталиги мавжуд бўлган ҳомилалар аёлларга тўғри йўл кўрсатишда муҳим аҳамият касб эт-

билан туғилишни камайтириш, ирсий касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволашда, бир сўз билан айтганда, соғлом авлодни камол топтиришда муҳим аҳамият касб этади. Марказимиз ташаббуси билан Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти, вилоят Репродуктив саломатлик маркази, "Соғлом авлод учун" халқро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда репродуктив саломатлик, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий маданиятини ошириш маъзулариде маҳалла ҳақида ўқув масканларида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Чунки ёшларимизнинг тиббий маданиятини оширишга эътибор қаратиш соғлом фикрли авлодни тарбиялаб вояга етказишда муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, ўз саломатлиги учун қайғурган, оилада соғлом муҳитни қарор топтиришга интиланган, соғлиқ учун зарарли бўлган иллатлардан тийила билган киши эл хизмати-га қамарбаста бўлиб, юрт фаровонлигига ўзининг муносиби ҳиссасини қўша олади.

Зиёда ОБЛОҚУЛОВА, Қақшадарё вилояти «Она ва бола» скрининг маркази бош вақри.

Юртимизда муаллифлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳуқуқини ҳимоя қилишга катта эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистоннинг 2005 йил 19 апрелда Адабий-бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенциясига қўшилиши бу борадаги ишларнинг мантикий давоми бўлди.

МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МУЛК МАСЪУЛИЯТИ

Аёнки, Берн конвенцияси фан, адабиёт, санъат асарлари муаллифлари ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган халқро ҳужжат бўлиб, унга 150 дан зиёд давлат аъзодир. Ҳозир ушбу давлатларда муаллифлик асарларини яратиш ва улардан фойдаланиш масалалари ана шу халқро ҳужжат асосида тартибга солиб келинмоқда. Мамлакатимиз ушбу конвенцияга қўшилган, му-

Берн конвенциясига амал қилиш, муаллифлар ва турдош ҳуқуқ эгаларига етказилаётган моддий ва маънавий зарарнинг олдини олиш борасида бир қатор юмшлар амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат бохжона

Муаллифлик ҳуқуқи

аллифлар учун янада кенг имкониятлар яратиш мақсадида, аввало, соҳа қонунчилиги тақомиллаштирилди. Жумладан, 2006 йили янги таҳрирда қабул қилинган "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонун ушбу конвенцияга мослаштирилди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартишлар киритилди.

Шундан сўнг соҳани ривожлантириш, унинг қонунчилигини назорат қилиш мақсадида Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги ташкил этилди. Агентлик ҳозирда муаллифлар ҳуқуқларини таъминлаш, муаллифлик асарлари савдоси билан боғлиқ қонунбузарликларнинг олдини олиш борасида муайян ишларни бажариб келмоқда. Айни пайтда тегишли тартибда рўйхатдан ўтган муаллифлар асарларидан фойдаланаётган шахслардан қалам ҳақини ўндириб, маблағнинг асосий қисмини муаллифга етказиш таъминланаётир. Бундан ташқари, агентлик маҳаллий муаллифлар ҳуқуқини хорижда ҳимоя қилганидек, хорижий муаллифлар ҳуқуқини мамлакатимизда ана шу тартибда назоратда тутмоқда.


Шунингдек, юртимизда

қўмитаси, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан йўлга қўйилган ҳамкорлик қўл келмоқда. Мазкур ҳамкорлик натижасида хорижда яратилган асарларни ноқонуний йўл билан мамлакатимизга олиб кириш ва уларни кўпайтириб сотиш билан боғлиқ қонунбузарликларнинг олди олиноқда. Шунга қарамай, баъзида хорижий асарларни яширинча мамлакатимизга олиб кириш ва улардан нусха кўчириб сотиш ҳолатлари учраб турибди. Масалан, ўтган йили тегишли ташкилотлар томонидан бозор ва савдо шохбчаларида ўтказилган уч мингга яқин рейд ва текширувлар чоғида ноқонуний сотилаётган 700 мингдан зиёд диск мусодара қилинди.

Қисқаси, мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланган. Табиийки, бу муаллифларнинг моддий ва маънавий мулк эгаси сифатида хотиржам ифода қилишини таъминламоқда. Зеро, кўнгил хотиржамлиги уларни ижодий ютуқлар сари илҳомлантиради.

з. худойшукuroв.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРАННУМИ



Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталарининг "Ижод" уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган амалий санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Унда миллий ҳунармандчилик буюмлари ҳамда инсталляция, видеоарт, фотоколлаж жанрларидаги 500 дан зиёд бадиий ижод намуналари намойиш этилмоқда.

Эътироф этиш жоизки, миллий санъатимизни янада раванг топтириш, ижод ахлини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган "Ижод" уюшмаси қисқа вақт мобайнида кўплаб илгор гоё ва тақлифлари илгари сурди. Унинг ташаббуси билан юртимизда "Базар-арт"

Санъат

шундай хайрли ташаббуслардан биридир. Кўргазмада 200 нафардан зиёд санъаткор энг сара ижодий ишлари билан иштирок этмоқда. Уларда қўнға ва замонавий услуб уйғунлиги, бугунги кун руҳи билан сўғорилган янгича фалсафий гоёлар яққол кўзга ташланади. Кўргазма экспозицияси билан танишиш асносида мазкур жиҳатлар, айниқса, ёш рассомлар ижодида алоҳида устунлик касб этганига

БИНАФША

Шу кунларда дала-дашларга отлансангиз борми, пойандоз бўлиб тўшалган гулу чечаклар кайфиятингизни кўтарди. Улар орасида, айниқса, бинафшанинг жозибаси бошқача.

Эътиборлиси, бинафша халқ табиобатида бир қатор хасталиклар давоси сифатида алоҳида эътизоланди. Унинг устки қисми нафас йўллари шамоллаганида, изтиробли йўлталда табиий омил сифатида ишлатилади. Шунингдек, буйрак ва қовқудгаи тошларни ҳура-даб чиқаради. Агар у арпа ва олқўри суви билан истеъмол қилинса, чанқоқчи болада (ревматизм) хасталикларини даволашда ҳам

дан кетиш ҳолатларининг олдини олади. Бинафшанинг сархил гули уйқу қақриш хусусиятига ҳам эга. Янги узилган гули ейилса, захарни кесади. Халқ табиобатида бинафша қайнатмаси қовқуқ суст-лигини даволашда қўл келади. Мабодо пешоб йўлида қўм бўлса, бинафша ва

Биласизми?

Дано ХЎЖАЕВА, олий тоифали доришунос.

ОБ-ҲАВО

(20 апрель) Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 8-13, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади. Тошкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 8-13, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади. Қақшадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмади. Кечаси 8-13, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади. Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 8-13, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ҳаво булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмади. Ҳарорат кечаси 8-10 даража, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади. «Ўзгиромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 53486 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоəsi келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ёллонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан
18.00 гача
236-09-25

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти бўлим бошлиғи Турсунали Хусановга волидаи муҳтарамаси Саодатхон ҚУНДУЗАЛИЕВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.15 Тоширилди — 21.40